



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил  
29 февраль  
ЧОРШАНБА  
№ 17  
(12.445)  
www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда кўлаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2012 йил Ўзбекистон Республикасида "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760-сон фармойиши билан тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирилари, идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқланган.

"Оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонуний ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш;

ёш оилаларга эътибор ва гамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўлаб-қувватлаш, шу жумладан қўлаб ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш;

жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва макomini ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фу-

қароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўлаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур қўлаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан гамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўлаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

"Соғлом оила - соғлом фарзанд" тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш; жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қўлаб-қувватлаш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия мақсадалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

2. Республика комиссияси (Ш. М. Мирзиёев) зиммасига "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг амалга оширилишини ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш вазифалари юклатилсин.

Республика комиссияси: икки ҳафта муддатда, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг устувор йўналишлари ва тадбирларидан келиб чиққан ҳолда, республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари томонидан ҳар бир идора, вилоят, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича "Мустаҳкам оила йили"нинг худудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига киритилган тадбирларни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйи-

ча республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари даражасида ишлар аниқ-пухта мувофиқлаштирилишини ташкил этсин. Дастур амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг мажлисларида қўриб чиқсин;

ҳар чорак яқунлари бўйича "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот бериб бурсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси (Ш. М. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари, Тошкент шаҳри ва туманларда (шаҳарларда) "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари бошчилигида худудий комиссиялар тузилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар тегишли худудларда олиш ва тўлиқ ҳажмларда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарликни юкласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса, ёш оилалар ўртасида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини, давлат томонидан оилаларни қўлаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича унда белгиланган чора-тадбирларни мунтазам ва кенг қўлабда тушунтириб борилишини;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг амалга оширилиши тўғрисида кенг жамоатчилик доимо хабардор қилиб турилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юкласин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И. ҚАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2012 йил 27 февраль.



## ҚЎШИМЧА ДАРОМАД

**Оҳангарон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтиришга эътибор кучаймоқда.**

"Асл-Жавлонбек" масъулияти чекланган жамияти тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналардан. У 2010 йилда ташкил этилиб, йўлак брусчаткалари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ҳозир ҳар

хил дизайнда ўн турдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда.

– Корхонамиз фаолиятини йилдан йилга кенгайтириб бораёلمиз, – дейди тадбиркор Жамолдин Содиқов. – Натижада, маҳ-

сулот турини кўпайтиришда ҳам, қўшимча фаолиятни ташкил этиш борасида ҳам ютуқларга эришяёмиз, даромадимиз ҳам кўпаймоқда. Жумладан, ўтган йили "Қишлоққурилиш-банк"дан 40 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, шу маблагга 2 мингта товуқ парвартишни йўлга қўйдик. Ҳозир қўнغا минг дондан тухум олаёلمиз.

Бу бизга қўшимча даромад келтираяпти.

Корхона келгусида маҳсулот турларини янада кўпайтиришни режалаштирган. Ҳозир бу ерда 12 киши меҳнат қилаётди.

СУРАТА: ЖАМОИЛДИН СОДИҚОВ (ўртада) ишчилар билан.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ЕТИШТИРИБ, ҚАЙТА ИШЛАЙДИ

Вилоятимизда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган илҳам ва замонавий минитехнологияларга асосланган корхоналар кўпайиб бормоқда.

Зангиота туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Шокарим хожи" фермер ҳўжалиги ҳам тармоққа қаратилаётган эътибордан руҳланиб, ҳўжаликнинг ўзидан сутни қайта ишлашга ихтисослашган корхона фаолиятини йўлга қўйиш арафасида. Бунинг учун молия муассасаси 300 миллион сўм кредит ажратди. Мазкур лойиҳа бир кеча-кундузда 5 тонна сутни қайта ишлаш имконини беради.

## ЗАМОНАВИЙ ВА СИФАТЛИ

Олмалик шаҳридаги "Хирамоти" хусусий корхонасида тайёрлиб, икки бозорга чиқарилаётган сифатли ва бежирим альюмин эшик-ролар қисқа фурсатда харидорлар эътиборига тушиб улгурди.

Қўндан бошлаб девор ва шифтларга безак берувчи пластик қопламалар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Тадбиркор Дониёр Мўминов раҳбарлик қилаётган корхона 10 нафар маҳаллий ёшларни иш билан таъминлади. Айни пайтда тадбиркор банкдан кредит олиб, корхона фаолиятини янада кенгайтириш ҳаракатида.

Шерзод ҒАЙРАТОВ.

## ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитасининг йиллик режасига мувофиқ 2012 йилнинг 1 чорагида "Гидротехник иншоотлар ҳавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганиш мақсадида назорат-тафтиш ўтказиш белиланган.**

## ГИДРОТЕХНИК ИНШОТЛАР ҲАВФСИЗЛИГИ НАЗОРАТДА

Ушбу жараёнларни оқори савияда ташкил этиш, вилоят штаби фаолиятини изчил йўлга қўйиш, худудий ишчи гуруҳларни шакллантириш ва бошқа ташкилий масалалар юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси вакиллари, ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари бошликлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, "Давсуҳўжаликназорат" инспекцияси ва унга қарашли сув омборлари, магистрал каналлар, гидроузеллар

ҳамда тегишли бошқармалар ҳамда ГЭС каскади раҳбарлари иштирок этган йиғилишда гидротехник иншоотларда назорат-тафтиш ўтказиш учун урта худудий ишчи гуруҳ тузиш, шу масала бўйича вилоят штаби "Чирчик-Оҳангарон" ирригация тизимлари ва ҳавза бошқармасида фаолият юритиши белгиланди. Шунингдек, назорат-тафтиш ишчи гуруҳлари фаолияти 29 февралдан 2 мартга қадар давом этиши кайд этилди.

Ўз мухбиримиз.

## КОРХОНА ҚУВВАТИ КЕНГАЙДИ

Пискент туманидаги "Бобур гишт" шўъба корхонасида гиштни пиширувчи замонавий айланма печь ўрнатилгач, ишлаб чиқариш кўлами янада кенгайдди. Лойиҳа банк кредити ва корхонанинг ўз маблагга ҳисобидан молиялаштирилди. Энг муҳими, корхонада 30 дан ортиқ янги иш ўрни вужудга келди.

Мурод АЛИЕВ.

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН ОҒОҲЛИК

**юз бериши мумкин бўлган табиий офатларнинг олдини олиш, талафотларни камайтиришнинг муҳим шарти**

Мамлакатимиз табиий хусусияти жиҳатидан фавқулодда вазиятлар ҳавфи юқори минтақалардан ҳисобланади. Кўп туманларнинг тоғ ва тоғолди худудларида жойлашгани, халқро аҳамиятдаги Аму дарё ва Сирдарёнинг республикамиздан ўтгани, катта-кичик дарё ва сойлар борлиги сел, сув тошқини сингари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ҳавфини камайтириш чораларини кўришни талаб этади.

2012 йилда қўлаб келган сел, сув тошқини билан боғлиқ вазият чўқур таҳлил этилди. Ҳар бир туманда, дарё ва сойда, ҳатто, маҳаллаларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, ҳавфини камайтириш юзасидан қилиниши лозим бўлган ишлар дастури ишлаб чиқилди. Айни пайтда тошқинга қарши вилоят штабида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг қурастуви олиб борилмади. Барча шаҳар ва туманларда ҳам айнан шундай йиғилишлар ўтказилиб, худудда қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди, ҳамда тошқинга қарши штаблар фаолияти йўлга қўйилди.

– Юқорида қайд этганимиздек, ўтган йилларга нисбатан вазият ҳозир бир мунча ҳаддиги. Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш учун бу йил қандай чоралар кўрилмақда?

– 2012 йилнинг баҳор-ёз мавсумида мамлакатимизда юзага келиши мумкин бўлган сел, сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятларга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки, мутахассислар маълумотига кўра, бу йил тоғларда ўтган йил-

ларга нисбатан кўп қор ёққани қайд этилди. Шу боис бугун дарё ва сойларимизнинг сув ўтказиш имконияти қандай, дегаки, йиллар давомида сув кам бўлиши натижасида дарё ва сой ўзламли қўрилиб кетган. Айрим жойлардаги ноқонуний қурилишлар сув тошқини юзага келишига замин яратган.

2012 йилда қўлаб келган сел, сув тошқини билан боғлиқ вазият чўқур таҳлил этилди. Ҳар бир туманда, дарё ва сойда, ҳатто, маҳаллаларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, ҳавфини камайтириш юзасидан қилиниши лозим бўлган ишлар дастури ишлаб чиқилди. Айни пайтда тошқинга қарши вилоят штабида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг қурастуви олиб борилмади. Барча шаҳар ва туманларда ҳам айнан шундай йиғилишлар ўтказилиб, худудда қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди, ҳамда тошқинга қарши штаблар фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, маҳаллалардаги ички ариқларни тозалашга ҳам катта эътибор қаратилган. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ташаббуси билан хашарлар ташкил этилиб, ариқ ва зовурлар тозаланмоқда. Айниқса, Қибрай туман аҳолиси бу ишларда фаол иштирок этапти. Умуман, амалга оширилаётган барча ишлар юзасидан мониторинг юритилиб, таҳлил қилиб борилмади. Белгиланган режаларни бажаришда сустанчиликка йўл қўяётган ҳокимликлар, корхона ва ташкилотларга нисбатан таъсир чоралари кўриллапти.

(Давоми 2-бетда).

## ИЖТимоий ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

**Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий алоқаларнинг долзарб аҳамиятга эга шакли сифатида истиқболли йўналишлардан бири бўлиб қолади**

Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий

фаолиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўлашмоқда. Бугунги кунда республикамизда қарийб 5200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Шулардан 4500 дан ортиги бевосита худудларда фаолият юритади.

Бундай ташкилотларнинг оёру ва нуфузи мустаҳкамлаш боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимияти тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортмоқда. Жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг

давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг қайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистонда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг босқичма-босқич

амалга оширилиши натижасида фуқаролик жамиятининг турли институтлари ривожланиши учун қўлай шароит яратилди. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини тартибга солуви 200 ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).



# Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги йринларда Суд департаменти)нинг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси юзасидан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловда қатнашиш учун савдо ташкилотлари (юридик шхслар)ни очик танловга таклиф этади.

## 1. Умумий шартлар:

**Танлов ташкилотчиси** – Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси.

Очик танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш кўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади – суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш Комиссияси (кейинги йринларда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни қўриб қиқш Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Темир Малик кўчаси, 2-уй) 2012 йил 29 февралдан 2012 йил 24 март кунга қадар ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 гача амалга оширилади.

1) 2012 йил 2 апрель кун соат 15.00-18.00 гача:

Ангрэн, Олмалик шаҳарлари, Охангарон, Юқори Чирчиқ, Урта Чирчиқ ва Паркент туманлари бўйича.

2) 2012 йил 4 апрель кун соат 15.00-18.00 гача:

Бекобод шаҳри, Бекобод, Бўка, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Окқўрғон ва Чиноз туманлари бўйича.

3) 2012 йил 6 апрель кун соат 15.00-18.00 гача:

Чирчиқ шаҳри, Қиррай, Бўстонлик, Янгийўл, Зангиота туманлари бўйича танлов ўтказилиб, натижалари бўйича қолиблар аниқланади.

## 2. Танлов шартлари ва танлов қолибларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шахобчаси, назорат-касса машинаси ва тер-

миналлар мавжуд юридик шахслар қатнашиши мумкин.

## Куйдаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арасида бўлган;
- олти ойдан кам муддат давомида фаолият юриётган;
- охириги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

## Танловда қолиб қиқшнинг асосий мезонлари:

- истеъмомчи учун жойлашган жойнинг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказо-ларга яқинлиги);
- мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жой (усуна)ларнинг мавжудлиги;
- мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;
- мавжуд яроқли техникаси;
- ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;
- қўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

## 3. Танловда иштирок этиш учун такдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- комиссия номига ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йил учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси;
- савдо ташкилотда назорат касса машинаси ва терминалларнинг мавжуд-

лиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;

- савдо дўконига бўлган мулк (ижара) хукуқи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10x15 улчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атрофи қўриниши, умумий ташқи ва ички қўринишлари акс эттирилиши керак);

- мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (усуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10x15 ҳажмдаги рангли фотосуратлар (жойнинг умумий ташқи ва ички қўри-нишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган хукуқи тасдиқловчи ҳужжатлар;

- савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;

- талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;

- талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиш мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид хукуқи белгиланган ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;

- қўрсатилган хизмат учун чегирмаси мақдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рўхсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек, но- тариал тасдиқланган рўхсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам такдим эти-лади.

Талабгорлар мазкур эълонда белги-ланган баҳолаш учун зарур бўлган бош-қа қўшимча ҳужжатларни такдим қилиш-лари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топширилади-ган бўлса, унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан такдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзо-ланган ҳолда илова қилинади. Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбе-кистон Республикаси қонунлари талаб-ларига жавоб бериши лозим.

## 4. Талабгорлар томонидан такдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби:

ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Темир Малик кўчаси, 2-уй, тел.: 263-53-15 Комиссия ишчи органи – ҳудудий бошқарманинг статис-тика ва таҳлил бўйича сектори (инспек-тори) томонидан 2012 йил 24 март куни-га қадар қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълон-да қўрсатилган манзил бўйича "Суд ҳуж-жатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкларни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлов"- га деган белги билан юборилиши ке-рак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳуж-жатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда такдим этил-маган ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбосида назарда тутилган ҳолатлар-дан ташқари, танловга такдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

## Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси.

### «КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Яққасарой тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 21.11.2011 йилдаги 10-1108-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи – 7 364 071 157 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Раимқулова кўча-сида жойлашган "KINNERTASH" КК МЧЖга тегиш-ли бўлган, умумий ер майдони 1,8295 гектарни таш-кил қиладиган ва 5709,62 кв.м. майдонда жойлаш-ган бино-иншоотлар ва бино-иншоотларнинг ичи-да жойлашган 35 турдан иборат бўлган асбоб-у-қуналар ҳамда мол-мулклар мулкций мажмуа қўри-нишида қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 30 март кун соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 307-хонада бўлиб ўтади. Юқорида қўрсатилган кўчмас мулк 2012 йилнинг 30 март кун соатимдан тақдирда тақро-рий аукцион савдоси 2012 йилнинг 20 апрель кун соат бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотек банк» Шайхонтохур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлаш-лари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш қуналари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжат-ларни қабул қилиш қимосида савдоси ўтказилиши-га бир иш кун қолганда соат 18.00 да тўхтатила-ди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олма-зор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Теле-фонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039.

| Лицензия №  | Русуми               | Давлат рақами |
|-------------|----------------------|---------------|
| 1. 0024563  | ГБА СЛГ ГАЗ-2705П    | 10N023FA      |
| 2. 0024564  | ГАЗ-2705 СЛГ         | 30V6241       |
| 3. 0024565  | ГАЗ-2705             | 11X5104       |
| 4. 0024566  | ГБА СТГ ГАЗ-2705     | 11V5100       |
| 5. 0024567  | ГАЗ-3262             | 11U3390       |
| 6. 0024568  | СЛГ ГАЗ-322100       | 01K2360A      |
| 7. 0024569  | ГБА ГАЗ-2705П        | 11X0827       |
| 8. 0024570  | ГАЗ-2705П            | 11Y0423       |
| 9. 0024571  | ГБА СЛГ ГАЗ-32213-14 | 10N103AA      |
| 10. 0024572 | ГБА СЛГ ГАЗ-322132   | 10C587BA      |
| 11. 0024573 | СЛГ ГАЗ-322132       | 01G483XA      |
| 12. 0024574 | ГАЗ-322132           | 30W0027       |
| 13. 0024575 | ГБА СЛГ ГАЗ-322132   | 10G721AA      |

рақами лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

### «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига тақдоран Бекобод шаҳар СИБ томонидан "Бекободсавдо" МЧЖ оմборида сақланаётган қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "УАЗ" русумли, д/р йўқ, 1997 йил и/ч., Бекобод темир йўл бекка-лари оմборида сақланаётган ав-тотранспорт воситаси, ижро ҳуж-жати 17.06.2011 й., №7250. Бошлангич баҳоси – 445500 сўм. 2. "УАЗ-452А" русумли, д/р 11T9673 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 11.05.2011 й., №7171. Бошлангич баҳоси – 2 123 140 сўм.

материал савдо" ШҚда сақлана-ётган "Ауди С4" русумли, д/р X820AON бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 13.02.2009 й., №601. Бошлангич баҳоси – 15 513 114 сўм. 2. Охангарон т., "Оханга-рон қурилиш материал савдо" ШҚда сақланаётган "Нөксея" русумли, д/р X806AON бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 27.05.2009 й., №1492. Бошланг-ич баҳоси – 9 112 500 сўм. 3. Охангарон т. ИИБ жарима май-дончасида сақланаётган "Тико" русумли, д/р 11K9641 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 10.01.2011 й., №1078. Бошланг-ич баҳоси – 5 931 900 сўм.

VI. Аукцион савдосига тақдро-ран Чиноз тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти су-дунинг 24.06.2010 йилдаги 2-42/2010-сонли ижро варақасига асо-сан хатланган, "Чиноз Автотул-пори" МЧЖга тегишли, "Vita Spring" ХХ ҳовлисида ва "Чиноз Оқ Той" МЧЖга тегишли, Чиноз тумани, Чиноз қўрғонида сақла-наётган қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Ми-дибус М-29,12" русумли, д/р 11A1Q150 бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.03.2011 й., №1-205. Бошлан-гич баҳоси – 1 713 717 сўм. 2. "Ваз-2101" русумли, д/р 11S7323 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2011 й., №1-596. Бошлангич баҳоси – 1 748 385 сўм. 3. "Уаз-3303" русумли, д/р 11M3712 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.03.2011 й., №1-205. Бошлангич баҳоси – 688 646 сўм. 4. "Дамас" русумли, д/р 11Q9484 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 20.03.2011 й., №60. Бошлангич баҳоси – 10 404 900 сўм. 5. "Ваз-2107А" русумли, д/р 11X9769 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.07.2011 й., №15235. Бошлангич баҳоси – 7 819 314 сўм. 6. "Ниссан Микра" русумли, д/р А513VUM бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.10.2010 й., №7970. Бошланг-ич баҳоси – 1 201 092 сўм. 7. "Ваз-2106" русумли, д/р 11G4288 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.07.2011 й., №14305. Бошлангич баҳоси – 3 550 502 сўм. 8. "Камаз-5320" русумли, д/р 11A8280 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.03.2010 й., №3038. Бошлангич баҳоси – 13 599 954 сўм. 9. "Ваз-2107" ру-сумли, д/р 10V4795 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт восита-си, ижро ҳужжати 10.08.2010 й., №13730. Бошлангич баҳоси – 6 837 514 сўм. 10. "Газ-31029" русумли, д/р 12F8358 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 13.05.2010 й., №5807. Бошланг-ич баҳоси – 1 638 806 сўм.

III. Аукцион савдосига тақдро-ран Охангарон тумани СИБ то-монидан, 28.03.2011 йилдаги 1561-сонли ижро ҳужжатига асо-сан қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Охан-гарон т., "Охангарон қурилиш

бус М-23,9" русумли, д/р 11A0344 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошлангич баҳоси – 10 489 874 сўм. 15. "Мидибу-с М-23,9" русумли, д/р 11A0160 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошлангич баҳоси – 4 020 719 сўм. 16. "Мидибу-с М-23,9" ру-сумли, д/р 11A1Q155 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланг-ич баҳоси – 10 956 398 сўм. 17. "Тианча" русумли, "Кара СРС-20 TS2410415-208", 2008 йилда и/ч автопругузчик. Бош-лангич баҳоси – 10 602 752 сўм. 18. "Газ-33029" русумли, д/р ва и/ч йили номаълум бўлган ав-тотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 2 607 814 сўм. 19. "По-бода Газ-20" русумли, д/р 30R1956 бўлган, 1954 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошлан-гич баҳоси – 5 462 084 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 20 март кун соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Тақдоран ўтказиладиган аукци-он савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш қуналари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш-нинг охириги мuddати: 2012 йил 16 март кун соат 18.00.

Савдога қўйилган автотомо-транспорт воситаларини билан те-гишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатна-шиш учун талабгорлар савдо таш-килотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиз-дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси-ни қўрсатган ҳолда "Respublika Mulk Markazi" ЁАЖнинг ОАИБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукци-он савдоси ўтказиладиган ман-зил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамчи кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

Мулкдорлар диққатига! Сиз учун имконият. "Respublika Mulk Markazi" YoAJ Сизларга кўчмас мулк ҳисоблан-майдиган барча турдаги мулклар-ни, ҳусусан, хўжалик юритувчи субъектлар устас фондига улушлар, автототранспорт ва бошқа техник воситаларни ома-мавий савдога чиқаришда масла-хат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қўриқчи ва сифатли ташкиллаш-тиришда амалий ёрдам беради. Қўрсатилаётган хизматлар "Respublika Mulk Markazi" YoAJнинг кўп йиллик тажрибига эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади. "Respublika Mulk Markazi" YoAJ Сизнинг энг ишончли ҳамкори-нгиз бўлишини қафолатаймиз.

### «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ РКси бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2010 йил 24 майдаги № 1-3834-сонли ижро варақаси-га асосан хатланган қуйдаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Газал-тик шаҳри, Бўстонлик кўчаси, 23-уй, 25-хонадон, 4 хонали, умум-ий майдони 74,90 кв.м., яшаш майдони 47,15 кв.м. Бошлангич баҳоси – 25 647 000 сўм. Савдога Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2011 йил 15 августда-ги № 11-1129/13004-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуй-даги кўчмас мулк қўйилмоқда. Тошкент вилояти, Бўстонлик ту-мани, Газалтик шаҳри, Бўстон-лик кўчаси, 8-уйда жойлашган 563 кв.м.дан иборат ер уастчасида жойлашган, умумий фойдаланиш ер майдони 280,35 кв.м., тўрт хонали ошонча ва 18 хонали 2-кавалти мехмонхона. Бошлангич баҳоси – 76 400 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 3 апрель кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 3 апрель кун соат савдога со-тилмаган тақдирда, мазкур мулк-ни сотиш юзасидан тақдорий сав-до 2012 йил 18 апрель кун соат бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чи-қиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш қуналари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Ариза-ларни қабул қилиш аукцион ку-нидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси-ни қўрсатган ҳолда "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳри "Ипотек банк" АТИБ Шай-хонтохур филиалига қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

Тошкент миллиолав ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежи томонидан 2007 йилда Жумаев Камоллидин Садриддинович номига берилган К № 854229 рақами диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

WHITE KERAMIKA масъулияти чекланган жамияти устав фондани 200 000 АҚШ долларидан 35 264 АҚШ долларига камайтирилганини маълум қилади. Тел.: 421-37-83.

Учтела тумани ТСРҮИ томонидан 04.09.2008 йилда № 0106014 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (ИНН 600916321) яқка тартибдаги тадбиркор Ходжаев Камоллидин Каримович номига берилган думалоқ мухр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

### «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Тошкент вилояти Қўрай туман суд ижрочилар бўлими томонидан қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

| Автотранспорт тури ишлай қилариған йил, давлат рақами | Мулкнинг асосий тавсифлари  | Двигатель рақами | Кузов рақами      | Бошлангич баҳоси (сўм) | Ижро ҳужжатининг рақами ва санаси |
|-------------------------------------------------------|-----------------------------|------------------|-------------------|------------------------|-----------------------------------|
| "Матиз Бест" 2007 й. 30 S 6869                        | Серебристо-стальной (серый) | 986289           | XWB4B11AD7A015934 | 10 333 000             | 18753/11 23.12.2011 й.            |
| "Ауди-100" 1991 й. ААН 028416                         | Металлик                    | 028416           | 049532            | 9 709 000              | 43/11 04.01.2012 й.               |
| "Ваз-2101" 1977 й. 30 N 7303                          | Оқ                          | 2539109          | 2298321           | 2 428 494              | 11417/5 25.10.2011 й.             |
| "Нөксея Дөнс" 2008 й. 10 D 195 EA                     | Оқ                          | 093443           | XWB3D31BD8A161582 | 23 170 000             | 16733/6 09.12.2011 й.             |

Юқорида қўрсатилган автотранспорт воситала-ри "Аргин Савдо" УҚда сақланмоқда. II. Тошкент вилояти Зангиота туман СиБнинг № 1616/115-сонли ижро ҳужжатида асосан қуй-даги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 1981 йилда ишлаб чиқарилган, "ГАСИПГ ЗИЛ-130" ру-сумли, д/р 10 F 061 DA бўлган, двигатель № 6/н, ку

XXI ва аср дунё

АФИНА МЕТРОСИДА БОМБА ТОПИЛДИ

Associated Press агентлиги Афина метроси вагонларидан биринчи кўра портлатувчи қурилма топилгани ҳақида хабар тарқатди.



Ёндирувчи суюқлик жойлаган идиш, таймер ва батареядан ташкил топган бомбани поезд машинисти охириге кечиратганда, вагонлардан биридаги ўриндик остидан топил олди. Хайдовчи шу заҳотиёқ чақирган портловчи моддалар бўйича техник-мутахассислар ясама қурилмани зарарсизлантирдилар.

билан шуғулланган икки соат давомида станция ёпиб қўйилган. Юз берган ҳодисадан ҳеч ким зарар кўрмади.

Полициячиларнинг хабар қилишларича, ёвуз ниятли кишилар бомбани метрода портлатмоқчи бўлишганини ёки уни паршонхотирлик оқибатида шунчаки, унутиб қолдиришганини, ҳозирча номаълум.

ЖАНГАРИЛАР ГАРОВГА ОЛИШНИ ТЎХТАТИШМОҚЧИ

Колумбиянинг Инкилобий курали кучларидан бўлган исёнчилар мамлакат хавфсизлик кучларининг гаровда ушлаб турилган ўн нафар ходимини қўйиб юборишни ваъда қилганлари ҳақида хабар берди ВВС News.



Исёнчилар "сиёсий маҳбуслар" деб аташадиган бундай ходимларнинг кўпчилиги ўн йилдан зиёд вақт тутқинликда турибдилар. Инкилобий курали кучлардаги гаровда ушлаб турилган фуқароларни ҳам озод этиш эътисмасликлари ҳақида ҳеч гап айтмадилар.

Шунингдек, исёнчи тўда тоvon пули учун одамларни гаровга олишдан воз кечишни ваъда қилишди. ВВС Newsнинг изоҳ беришича, айнан тутқиндагиларни гаров пули эвазига сотиб олиш ва гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилиш исёнчи тўдани молиявий таъминлаб туради.

Колумбия президенти Хуан Мануэл Сантос инк. баёнчи кучролли кучлар баённомасини маъқуллади. Аммо, бу етарли эмаслигини таъкидлади.

СВС News тарқатган хабарда баён этилишига қараганда, Канаданинг Онтарио вилоятида рўй берган поезд ҳалокатида камида уч киши қурбон бўлди.

УЧ КИШИ ҲАЛОКАТ ҚУРБОНИ

Ҳалокат мамлакатнинг Бурлингтон шаҳри яқинида содир бўлди. Ушбу шаҳар ҳокими уч кишининг фожиа қурбони бўлгани ҳақида сўзлаб берди. СВС News эса фақат бир киши нобуд бўлгани ҳақидаги маълумотни тасдиқламакда.

Қурбон бўлганлар хусусида аниқ маълумот ҳозирча йўқ. Бироқ, поездда жами 75 киши саёҳат қилгани маълум. Айрим хабарларга қараганда, бир неча йўловчиларни вагон синиқлари қисиб-эзиб қолган бўлиши мумкин. Via Rail компания-операторидагилар юз берган ҳодиса сабаблари ҳақида ҳеч нарса дейишмади.

Ниагар шаршарасидан Торонто шаҳри томон бораётган поезднинг икки вағони издан чиқиб кетди. СВС Newsнинг таъкидлашига кўра, Торонто билан Бурлингтон оралиги бир соатлик масофа.

Илгарироқ, Колумбия ҳукумати гаровдагиларнинг ҳаммасини исёнчилар билан музокара бошлашнинг шарти сифатида озод этишни талаб қилганди.

Колумбия Инкилобий курали кучлар сўл радикал гуруҳи 1960 йилдан буён мамлакат ҳукумати билан курали қураш олиб бормоқда. Колумбия ва бошқа катор мамлакатларда сафларда етти мингча одам бўлиши эҳтимоли бор бу гуруҳ террорчи ташкилот деб эътироф этилган.

ЖАЛОЛОБОД АЭРОПОРТИДА ПОРТЛАШ

Афғонистоннинг Жалолобод шаҳри аэропортида портлаш юз берди. АФР агентлигининг хабарига кўра, ўлимга

маҳкум террорчи автомобилга жойланган бомбани аэропорт биноси ёнида портлатган.

Мавжуд расмий маълумотларга қараганда, камида 6 киши қурбон бўлган, яна 7 киши яраланган. Associated Pressнинг ёзи-

шича, маҳаллий полиция қурбонлар сони ортишидан хавотирда.

Жалолобод аэропортидан асосан ҳарбий авиация

эҳтиёжлари учун фойдаланилади. Бироқ, баъзида фуқаро рейслари, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг самолётлари ҳам қабул қилинади.

"Талибон" ҳаракати жангарилари гуруҳи 2010 йилнинг июнида ушбу аэропортга ҳужум қилишга уриниб, НАТО бўлинулари ҳамда Афғонистон ҳарбийлари билан отишмага киришдилар. НАТОнинг расмий маълумотларига кўра, жанг давомида саккиз жангари ўлдирилди. Коалиция ҳарбий хизматчилари эса талафот кўришмади.

Аммо, "Талибон"чиларнинг ўзлари хавфсизлик кучларининг ўттиздан зиёд вакилларини ўлдириб муваффақ бўлганларини эълон қилишди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент шаҳри Сергели тумани ҳокимияти томонидан 2003 йил 15 январда № 06-000419 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "РАИС" хусусий фирмаси (ИНН 203366755, ОКОНХ 71280) ТУГАТИЛАДИ.

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Сергели тумани, Дўстлик-2, 4-уй, 36-хонадонда қабул қилинади.

Утеранный аттестат о 9-классном образовании УЗК № 033366 от 1996 года, выданный школой № 44 Зангиатинского района Ташкентской области на имя Крашенникова Александра Сергеевича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Частное предприятие "FAY AMAN FAT" (ИНН 301604504), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо Улугбекского района г. Ташкента за реестр. № 005702-04 от 07.05.2010 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Аккурган, д. 18, ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования данного объявления.

ШЕЪРИЯТ ИХЛОСМАНДЛАРИ

БЕДОР ҚАЛБ ТУГЎНЛАРИ

Шеърят – сеҳрли олам. У гўзалликка, эзгуликка ошуфта қалбларни оҳанграбодай ўзига тартади. Ёшлигида кимлар шеър ёзмаган дейсиз!

Ўрта Чирчиқ тумани Пахтабод қишлоғида туғилиб вояга етган Эргашали Умрзоқов ҳам болалигидан шеърятга ошно бўлди. Шеърлари ўқувчилик йилларидан бошлаб туман газетасида чоп этила бошлади. У иқтисодчилик касбини танлаб, шу соҳада фаолият юритса ҳам ижод ооимо унга ҳамроҳ бўлди. "Меҳр соғинчи" (2010 йил), "Кўнгил тарозиси" (2011 йил) шеърий китобларини ўз ўқувчиларига тақдим этди.

Муаллифнинг одамийлик шеvasи, инсонийлик фазилатларидан сўзловчи, эзгуликка ундовчи шеър ва ҳикоятлари ўқувчини бефарқ қолирамаслиги аниқ. Қуйида иқтисодчи ва шоир Эргашали Умрзоқовнинг бедор қалб туғёнларидан сизларни ҳам баҳраманд этмоқчимиз



ШАРҒИЯ

Табиаат яшнайдми кўшдан, нурдан, Сув, ҳаво, илқдлик гулластар чунон. Ёнг кичик гийҳ ҳам нур олар ундан, Қидираб буй чўзиб яшашга имкон.

Заминда яшаркан ҳар қандай одам, Жамият аталган замон, маконда. Барчадан тарбия олади ҳар дам, Илоҳсиз олади, яхши ёмондан.

Ҳар инсон қилолса ўзни тарбият, Кўп фойда кўрарди бундан жамият...

МЕҲР

Қадрдондир мен ўсаан қишлоқ, Гўзалликда ягона эмас. Ҳамма жойдагидек бунда ҳам ўтлоқ, Ҳеч бир гийҳ ўзгача эмас.

Лек гуллари менчун хушбўйроқ, Сувлари-чи, зилол ва тиниқ. Одамларин кўнгиллари оқ, Меҳр тўла қалблари илқ.

Бунинг барин менинг кўзларим, Кўралайдир доғсиз, губорсим. Шунда эрур ёру дўстарим, Опажоним, бунда сиз борсиз.

Остонадан бошланар Ватан, Кидик қонла боғланган ришта. Мен туғилган ўша бир кўрғон, Отам тафти ҳар битта гишда...

Шу меҳр бор, суяндир Ватан, Йишоч билан янгар овозим. Шу меҳр бор, иқбол нурафшон, Йироқларга тикканман кўзим.

ШАРОЗИ

Шоҳдаю гадода, барчада борсан, Кимгадир гаразли, кимгадир орсан, Шунчалар қудратли кучдирсан наҳот, Дастингдан дод деди не-не одамзот...

Сулaimон қўлида қилдинг адолат, Чингизнинг қўлида бўлдинг жаҳолат, Худода арз қилди дастингдан Хайём, Созлашга уринди, Мир Алишер ҳам.

Улаш керак, дерлар, бўлгунча рози, Не учун бунчалар бузук тарози?! Сабаби аёндыр, ишчи асослаб, Ҳар ким ясаб олур ўзига мослаб.

Арзимас наф учун йўқотар иймон, Кўнгил тарозуси бузилган инсон. Юрт обод, халқ озод бўлади бешак, Адолат йўлида посанги бўлсак...

ЭРКАККА ШИЛАК

Турмуш ташвишлари билан юзуриб, Кеч ётсангу турсанг тонг саҳар. Етолмай турганинг гўзаллик бўлиб, Етоғинг кўзинга жаннат кўрипар.

Нимадир юз бериб, уйингда бекор, Агар қолиб кетсанг, ҳафта ёки ой, Ёстигинг тош каби бошингга ботар, Ҳатто хотининг ҳам очмайди чирой.

Эр киши меҳнатда нонини топсин, Аёлга қарам қилма, Худойим, Озгина тин олиш, бир жаннат бўлсин, Эр бўлиб оиласин боқолсин доим.

ЎЙЛАБ ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР

"Сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сўз ортидан келадиган оқибатни ўйла" деган эди буюқ аллома-лардан бири. Ҳаётимда юз берган бир воқеа туйғайли сўз қадрини, яъни яхши сўз, ширин муомала, гўзал хулқнинг инсон ҳаётида қанчалик муҳим эканлигини ич-ичимдан ҳис қилганман. Яхши сўз инсон қалбнинг безағи. У туйғайли инсон барҳаёт, у туйғайли ҳаёт абадий.

Бу воқеани эсладим дегунча, кўзларимда милт-милт ёш қалқийди. Уша пайтда чамаси 4-5 ёшларда эдим. Онажоним менга чақалоқ олиб келаман деганларидан кейин куну тун чарчаш нималигини билмай, чақалоққа ўзимча кўйлақчалар тиккардим, ўйинчоқларимни унга атаб қўярдим.

Қиш кунларининг бирида онами шифохонага олиб кетишди. 2-3 кунда келаман деганларича, орадан анча вақт ўтса ҳамки, келмадилар. Ҳар кун бечора бувижонимни ҳоли-жонларига кўймай, оиймнинг олди-

га олиб боришларини сўраб хархаша қилардим. Бувижоним аҳолининг тундундиларми ёки шифокорлар рўхсат бердимми, ишқилиб эрталаб қўларимни ушлаганларича қишнинг қаттиқ бўронла-

туришган экан). Дадам ҳар кун шифохонама-шифохона юрaverиб, оз-оз кетганлар, бу ҳам этмагандек, меннинг инжикликларимни ҳам кўтардиларим. Синглимнинг аҳоли

кўнглимни кўтаргиси келарди. Мен буларга эътибор бермасдим. Дард, алам, она меҳрини кўмасаш устунлик қилардим. Бир кун ҳар доимгидек улкан дарархнинг остидан ўтиб борар эканмиз,

орада жондан азиз бувижонимдан айрилиб қолишимни ким билибди дейсиз?!

Аста-аста улгайганим сари ўша хотиралар, ўша ёшлик воқеаларни худди кечагидек, кўз ўнгимда гавдаланади. Донулардан бири айтганидек: "Сўзни кўнгулда пишкормагунча, тилга келтирма, Ҳар неким кўнгулда бор – тилга сурма" деган турмаюно сўзлар ортида қанчалик ҳаётини фалсафа ётибди. Инсон улгайгани, ҳаётнинг аччиқ-чучуқларию, машаққатларини бошидан ўтказгани сари яхши сўзнинг гадоси бўлиб қолар экан. Биргина айтган сўз худди ўқ мисоли қайтиб келмас, ҳатто, инсон кўнглини жароҳатлаб қўйиши ҳам мумкин экан.

Инсон қалби шундай нозикки, худди биллур мисол чил-чил синида. Шундай экан, кўнглимизни кенг қилиб, ҳаётда бир-биримизга суянчиқ, юпанч бўлиб яшайлик. Эро, яхши сўзга илҳақ қалблар бизга муҳтож бўлиб қолмасин. ИБодат АҲМЕДОВА.

ҲАР НЕКИМ КўНГИЛДА БОР – ТИЛГА СУРМА

рига қарамай, олиб кетдилар. Шифохонага кирар эканмиз, онажонимнинг хоргин чехраларига боқиб тўхтаб қолдим, кейин бағриларига отилдим. Чақалоқни кўриб, қувонганимдан олдида чопқиллаб бордим. Негадир синглим кимирламас, болаларча ингаламас, ҳатто нафас ҳам олмас эди. (Кейинчалик билсам, унга сунъий нафас бериб

оғирлашгач, отам туну кун юзуриб, нимаки керак бўлса, ҳаммасини топиб келдилар. Бувим иккимиз ҳам ҳар кун онамнинг олдида борардик. Лекин бувижоним мени тезда уйга олиб кетардилар. Менга эса бу ёқмасди. Худди онам ёнимда эмаслигига бувижоним айбдордек эди.

Бувижоним турли ҳикоя, ривоятлар айтиб,

унинг шоҳларидаги қаргалар худди қора булутга ўшаб, меннинг устимга келадигандек бўлди. Шу топда муррак қалбимдаги аламлар отилиб чиқди. Бувижонимга қараб: "Ҳозир сизни мана шу қаргаларга бериб юбораман" дедим. Бувижоним сўзларимга жавобан қулиб қўя қолдилар. Бу воқеа ҳанузгача юрак-бағримни эзиб келади... Ушанда тез

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 236-55-54. 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ Навбатчи Равшан ОМОНОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ